

НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

А.Ахроркулов, кафедра мудири, PhD,
Фарғона давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7525065>

Аннотация: Ушбу мақолада нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти тақомиллаштириш чора-тадбирлари илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқий маданият, фуқаролик жамияти, нотижорат ташкилотлари, қонун, демократия, модернизация, юридик шахс.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА И ПРАВООПРЕДЕЛИТЕЛЬНОЙ ПРАКТИКИ НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ

Аннотация: В данной статье научно исследованы меры по совершенствованию законодательства и правоприменительной практики некоммерческих организаций.

Ключевые слова: правовая культура, гражданское общество, некоммерческие организации, Право, демократия, модернизация, юридическое лицо.

IMPROVEMENT OF LEGISLATION AND LAW ENFORCEMENT PRACTICE OF NON-PROFIT ORGANIZATIONS

Abstract: In this article, measures to improve the legislation and law enforcement practice of non-profit organizations are scientifically investigated.

Keywords: legal culture, civil society, non-profit organizations, Law, democracy, modernization, legal entity.

КИРИШ

ННТларнинг ҳуқуқий мақоми тақомиллаштиришда айнан қайси йўлдан бориш ва бунда, эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим масалалардан бири илғор хорижий тажрибани ўрганиш ҳисобланади. Шу сабабли ННТларнинг фуқаролик ҳуқуқий мақомида белгилашда Европа Иттифоқи қонунчилиги қоидаларига ҳам эътибор қаратиш ўринли бўлади. Европа иттифоқига аъзо давлатлар Вазирлар Қўмитасининг (Committee of Ministers – кейинги ўринларда Вазирлар Қўмитаси дейилади) СМ/Rec (2007)14-сонли “**Европадаги нодавлат ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида**”ги Тавсиялари.

Европа Кенгашига аъзо давлатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари ўзларининг Учинчи саммити чоғида (2005 йил 17 май куни Варшавада ўтказилган) нодавлат ташкилотлари фуқаролик жамиятида демократик ҳукуматнинг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлашда қўшган ҳиссасининг муҳим элементи сифатида алоҳида таъкидладилар. Шу билан бирга, улар нодавлат ташкилотларнинг Европа Кенгаши (Council of Europe) фаолиятидаги иштирокини кучайтиришга қарор қилишди.

Нодавлат ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми бўйича мутахассислар гуруҳи (CJ-S-ONG) 2006-йилда иккита йиғилиш ўтказди ва 10-октябрда Вазирлар Қўмитаси нодавлат ташкилотларнинг Европа Иттифоқидаги ҳуқуқий мақоми бўйича 2007/14-сонли Тавсияларини қабул қилди. Халқаро нодавлат ташкилотлар конференцияси (INGOs-International non-government organizations) мутахассислар гуруҳининг аъзоси сифатида матнни ишлаб чиқишда фаол иштирок этди.

Тавсиялар Иттифоқга аъзо давлатларда нодавлат ташкилотларни ташкил этиш, бошқариш ва умумий фаолиятига нисбатан қабул қилиниши керак бўлган минимал стандартларни белгилайди.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ушбу Тавсиялар Халқаро нодавлат ташкилотлар конференцияси томонидан фуқаролик жамиятининг кўплаб институтларини ҳимоя қилиш ва кенгайтириш учун муҳим асос вазифасида фойдаланилиши мумкин бўлган тавсиялар сифатида сезиларли ва изчил тарғиб қилинади. Конференция бутун Европадаги барча фуқаролик жамияти ташкилотларини ҳукумат органлари билан ўзаро муносабатларида Тавсиялардан иқтибос келтиришга ва ундан фойдаланишга ундайди.

Тавсияларда белгиланишича, ННТ бўлган юридик шахс унинг ёки муассисларидан аниқ ажратилиши талаб қилинади. Ҳуқуқ лаёқати (ҳуқуқ субъектчилиги)ни беришга масъул бўлган орган ўз қарорларини қабул қилишда мустақил ва ҳолис ҳаракат қилиши талаб қилинади. Табиийки, ўзига юкланган функцияларни бажариш учун етарли даражада тайёрланган ходимларга эга бўлиш ҳам ушбу жараён учун муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳуқуқ лаёқати (ҳуқуқ субъектчилиги)ни бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун оқилона муддат белгиланиши керак.

ННТларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда “Халқаро нодавлат ташкилотларини юридик шахс сифатида тан олиш тўғрисида”ги Европа конвенцияси (CETS №124) ҳам муҳим ўрин тутди. Европа Кенгаши 1951 йилдаёқ нодавлат ташкилотларининг ҳар бири ўзига хос соҳаларда аҳамиятли эканлигини ва уларнинг юридик шахслар фаолиятига қўшган ҳиссасини тан олди. Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитаси халқаро миқёсда нодавлат ташкилотлар фаолиятини белгилашга қаратилган халқаро ҳужжатнинг амалда мавжуд эмаслиги сабабли халқаро нодавлат ташкилотлари бўйича танланган экспертлар қўмитасига (CJ-R-OR) нодавлат ташкилотларни халқаро миқёсда мақомини белгилаш бўйича тегишли ҳужжатни ишлаб чиқиш вазифасини топширди.

Халқаро нодавлат ташкилотлари бўйича танланган экспертлар қўмитаси (CJ-R-OR) 1982 ва 1983 йилларда учта йиғилиш ўтказди ва Халқаро ноҳукумат ташкилотларининг юридик шахслигини тан олиш тўғрисидаги Европа конвенцияси лойиҳасини тасдиқлаш учун CDCJга тақдим этди. Ушбу конвенция лойиҳаси Европа Иттифоқи Вазирлар Қўмитаси томонидан 1985 йил 24 октябрда қабул қилинган ва Конвенция 1986 йил 24 апрелда Страсбургда аъзо давлатлар томонидан имзоланиши учун ҳавола қилинди.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг бозор ҳўжалик шаклига ўтилиши жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар рўй беришига замин яратиши билан бирга, юридик шахсларнинг алоҳида тури бўлган ва кўплаб ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этиладиган нотижорат ташкилотларидан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий шакллари янгича муносабатда бўлиш заруриятини юзага келтирди. Асосан нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириши билан бирга, мулкӣ муносабатларнинг ҳам фаол иштироки ҳисобланган нотижорат ташкилотларининг фуқаролик муомаласига кенг жалб этилиши фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатларнинг мазкур субъектлари ҳуқуқӣ мақомини, улар фаолиятининг мулкӣ асосларини янгича баҳолашни талаб этади. Нотижорат ташкилотлари давлатга қарашли бўлиши билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотлари сифатида ҳам ташкил этилиши мумкин. Шу сабабли ҳам нотижорат ташкилотларининг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқӣ мақомини аниқлаш ва давлат ҳамда нодавлат ташкилоти сифатида мол-мулкка эга бўлиш ҳамда улардан фуқаролик муомаласида фойдаланишга нисбатан дуалистик (икки ёқламалик) ҳолатини бирлаштирувчи умумӣ жиҳатларни ёритиш муҳимдир.

Қолаверса, юридик шахс сифатида нотижорат ташкилотларининг турлари ранг-баранглиги, уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштироки турли конун ҳужжатлари билан тартибга солиниши ҳам бугунги кунда ўзига хос долзарблик касб этади.

Юридик шахс сифатида нотижорат ташкилотларининг мол-мулкка эга бўлишга оид қоидалар ФКда белгиланган. Бироқ мазкур кодексда нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий лаёқати, уларнинг мол-мулкига оид қоидалар жуда кам бўлиб, асосан давлатга тегишли нотижорат ташкилотлари, жумладан, муассасаларнинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқдир. Шу боис ФКда нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий лаёқати ва уларнинг алоҳида турларига хос бўлган умумий қоидаларни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Кўп ҳолларда нотижорат ташкилотлари, масалан муассасалар мулкдор томонидан ташкил этиладиган ва бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга оширишга қаратилган юридик шахс сифатида давлат ва жамият ҳаётида катта ўрин тутати. Муассасалар фаолиятининг асосий мақсади фойда олишга қаратилмасдан, улар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари ва шу орқали муайян даромад кўришлари мумкин. Шу боис муассасаларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларига оид нормаларни такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Амалдаги қонунчиликда муассасаларнинг қайси мулк шакли асосида ташкил этилиши борасида муайян қоидалар назарда тутилмаган. Бу эса ўз навбатида муайян турдаги ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида мулкдор томонидан ташкил этилган ва молиялаштириладиган юридик шахсни муассаса сифатида эътироф этиши ва унинг ҳуқуқий мақомини белгилашда қийинчиликлар туғдиради. Шу сабабли қонунчиликда муассасалар айти пайтда давлат ва хусусий шахслар томонидан ҳам ташкил этилиши мумкинлиги қоидаларини назарда тутиш зарур.

ФКда муассасалар мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот сифатида белгилангани ҳолда, молиявий таъминлашнинг энг кам миқдори ва унинг муддатлари белгиланмаган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА МУҲОКАМА

Бугунги кунда муассасанинг мулкий жавобгарлиги турлича тартибга солинмоқда. Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти айнан муассасанинг пул маблағларига ундирув қаратиш ҳолатлари билан тўкнашиш ҳолатлари мавжуд. Бунда муассасанинг бошқа мол-мулкига нисбатан ундирув қаратилиши мумкин эмас.

Ушбу ҳолатда РФ Олий Арбитраж судининг 2006 йил 22 июндаги 21-сонли Пленум қарори ҳамда 1999 йил 14 июлдаги 45-сонли ахборот хати мавжуд бўлиб, РФ ГК белгиланган муассаса мол-мулкига ундирув қаратишга оид тушунтиришларни ифодалайди[1].

Бюджет муассасалари жавобгарлигининг чегараси мол-мулкнинг турли категориялари билан белгиланади ва унинг ўзига хослиги пул маблағларига ундирув қаратишда кўринади. Айрим тадқиқотчилар бунинг ечими сифатида муассасанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартиришни таклиф қилади[2]. Бироқ, бундай ёндашувни бошқа тадқиқотчилар баҳсли эканлигини қайд қилишади[3].

Давлат муассасасининг мустақил мулкий жавобгарлиги ҳақидаги мавжуд қоидалар кредиторлар манфаатларини етарлича қаноатлантирмайди. Айрим ҳолларда “фойдали муассасалар”ни ташкил этиш фикциядек бўлиб туюлади. Чунки муассаса фаолиятининг ижтимоий йўналтирилганлиги уларнинг фойда олиш имкониятини йўққа чиқаради.

Муассасанинг барча пул маблағлари унинг мол-мулкини сақланиши учун сарфланади. Бундан ташқари РФ ГҚда алоҳида қийматга эга бўлган мол-мулкка ундирувчи қаратишни таъқиқлайди. Бундан келиб чиқадики, кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун пул маблағлари яна қолиши даргумон, шунингдек қолган мол-мулк ҳамда “алоҳида қийматга эга” мол-мулкка нисбатан жозибадорлиги бўлмайди[4].

Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддасида кўрсатилишича, нодавлат нотижорат ташкилоти ўз мажбуриятлари юзасидан қонунларга мувофиқ ундириш қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради. Бироқ, бу ўринда нотижорат ташкилотининг қандай мол-мулки ушбу тоифага кириши масаласи очиқ қолиб кетган.

Бугунги кунда нотижорат ташкилотнинг ҳуқуқий мақоми, ўзига хослиги алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада илмий ишланмаларда, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва суд амалиётида ўзига хос ёндашувлар учрайди. Масалан, РФ “Нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги ва “Автоном муассасалар тўғрисида”ги қонунларида[5] муайян талаблар белгиланган бўлиб, бундай мол-мулк турлари давлат ҳокимияти органи ёки маъмурияти томонидан аниқланади. Бундай мол-мулкнинг рўйхати муассис функциялари ва ваколатларини амалга оширувчи тегишли органлар томонидан белгиланади. Шунингдек, РФ Ҳукуматининг 2010 йил 26 июлдаги 538-сон қарори билан тасдиқланган “Автоном ёки бюджет муассасаси мол-мулкини алоҳида қийматга эга деб топиш тартиби”да[6] федерал автоном ва бюджет муассасалари, бошқа мол-мулк, агар унинг олиб қўйилиши уставга мувофиқ ўз олдига қўйган устав мақсадларини амалга ошира олмайдиган аҳволга тушишига олиб келиши ҳамда бегоналаштирилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ алоҳида тартибни талаб қилувчи мол-мулк, шу жумладан, музей коллекциялари ва предметлари, музей фонди, архив фонди ҳужжатлари ва ҳ.к. назарда тутилган.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш, ўрганиш ҳамда оммага намоиш этиш учун мулкдор томонидан ташкил этилган доимий фаолият юритувчи нотижорат маданият муассасаси ҳисобланади. Бу ўринда қонун чиқарувчи музейни муассаса ташкилий-ҳуқуқий шаклидаги нотижорат ташкилотлар қаторига киритади.

Адабиётлар:

1. Постановление Пленума Высшего Арбитражного Суда РФ от 22.06.2006 № 21 (ред. от 19.04.2007) «О некоторых вопросах практики рассмотрения арбитражными судами споров с участием государственных и муниципальных учреждений, связанных с применением статьи 120 Гражданского кодекса Российской Федерации» // Вестник ВАС РФ. 2006. № 8.; Информационное письмо Президиума Высшего Арбитражного Суда РФ от 14.07.1999 № 45 «Об обращении взыскания на имущество учреждения» // Вестник ВАС РФ. 1999. № 11.
2. Матвеев В. Ю. Гражданско-правовой статус учреждений по законодательству Российской Федерации на современном этапе : автореф. дис. ... канд.юр. наук. М., 2013. 24-25 с.
3. Сюбарева И. Ф. Правовое регулирование гражданско-правовой ответственности учреждений. // Вестник Балтийского федерального университета им. И. Канта. 2013. Вып. 9. С. 55.

4. Бакин А.С. Субсидиарная ответственность собственника имущества учреждения по законодательству РФ. //Вестник томского государственного университета, 2012, №4(6), -84 б.
5. О некоммерческих организациях: федеральный закон Рос. Федерации от 12.01.1996 № 7-ФЗ (ред. от 28.07.2012) //Собрание законодательства РФ. 1996. № 3. Ст. 145.; Об автономных учреждениях: федеральный закон Рос. Федерации от 03.11.2006 № 174-ФЗ (ред. от 06.11.2011) //Собрание законодательства РФ. 2006. № 45. Ст. 4626.
6. Постановление Правительства РФ от 26 июля 2010 г. № 538 «О порядке отнесения имущества автономного или бюджетного учреждения к категории особого ценного движимого имущества» //Собрание законодательства РФ. 2010. № 31. Ст. 4237.
7. Akhrorkulov, A. (2020). Non-Profit Organizations: Legislation Reform And Law Enforcement Practice. *The American Journal of Political Science Law and Criminology*, 2(10), 129-134.
8. Гулямов, С., & Ахроркулов, А. (2022). НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5), 1029-1041.
9. Ахроркулов, А. (2022). НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(6), 893-902.
10. Akhrorqulov, A. (2020). Issues of formation and registration of non-profit organizations. *Scientific research results in pandemic conditions (COVID-19)*, 1(02), 23-26.
11. Мамажонова, Д. (2022). КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР–ХАЛҚ МАНФААТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10), 688-693.
12. Dadaboeva, D. A. (2021). Civil-legal regulation of educational services. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(8), 448-453.
13. КАРИМОВ, Ў. ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ. *СТУДЕНЧЕСКИЙ ВЕСТНИК Учредители: Общество с ограниченной ответственностью "Интернаука"*, 78-80.
14. Sayitkhonov, A. (2020). THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE ACTIVITIES OF YOUTH TO ENTREPRENEURSHIP. *Theoretical & Applied Science*, (1), 38-41.
15. Sayithanov, A. A. (2020). THE PLACE OF INDIVIDUAL INNOVATION IN THE DEVELOPMENT OF BUSINESS RELATIONS. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(6), 385-390.
16. Baratov, M., & Borotov, A. (2021). METHODS AND RESOURCES OF REALIZING THE RIGHT OF PRIVATE PROPERTY OR THE RIGHT TO USE THE LAND AS AN ELEMENT OF PRIVATE PROPERTY. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.4 Legal sciences).
17. Боротов, А. Х. (2021). ХУСУСИЙ МУЛК ХУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ: DE YURE/DE FACTO. *ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, 6(5).